(1800-1826)

Мангитлардан бўлган Бухоро амири. Унинг хукмронлик йилларида мамлакатда нотинчлик хукм суради, яъни марказ ва вилоятлар хамда кечагина вилоят макомида бўлган, лекин эндиликда алохида сиёсий бирлик - хонликка айланган Хива ва Кўкон билан карама-каршиликлар авжига чикади ва мамлакатда хар 3-6 ойда узлуксиз ички урушлар ва кўзголонлар бўлиб турган. Миёнкол, Шахрисабз, Карки, Марвдаги махаллий кучлар яна ўз бошимчалик кила бошлаганлар. Чунончи, Марвни бошкариб турган Динносирбек (амирнинг укаси) Хива хони Элтузар кўмагига ишониб, бош кўтаради. Амир Хайдар учун бу нихоятда хавфли холат эди. Чунки, бу шунчаки бир вилоятнинг марказга бўйин эгмаслиги эмас, балки расмий сулола намоёндасининг минтакадаги ракиблардан – хиваликлар билан тил бириктириб, олий тахтга карши харакати эди. Шунинг учун хам Амир Хайдар унга карши лашкар тортади. Динносирбек бас келолмай Машхадга кочади. Шохмурод даврида бўлганидек Амир Хайдар Марвни эгаллагач, махаллий ахолининг бир кисмини Зарафшон водийсига кўчиртириб, бу ерга туркманларни ўрнаштиради. Бухородаги ички зиддиятлардан Хива хонлиги бундан кейин хам фойдаланишга кўп уринган. Хусусан Динносирбекка ёрдам бериш бахонасида Бухоро амирлиги худудига кириб борган Элтузархондан сўнг 1821-1825-йиллари Амир Хайдар Миёнколда хитой-кипчоклар исёнини бостириш билан овворалигида Хиваликлар Чоржўй ва Марвга харбий юриш уюштирадилар. Хиваликлар хатто Марвни забт этишга хам муваффак бўлганлар. Бунгача хам амирликнинг Шаркий кисмида анча йўкотишлар ва ўзгаришлар бўлган. Масалан, Кўкон хукмдорлари 1805-йили Хўжандни, 1809-йили Тошкентни, 1816-йил эса Туркистонни ишгол этиб, хонлик доирасига киритадилар. 1806-1813-йиллари Ўратепа, 1806-йили Жиззахга, 1821-йили Самаркандга тахдид солганлар. Хуллас, Амир Хайдар хукмронлиги анча тахликали бўлиб, марказий хокимият кудрати сусайган.